

Ичимликларни ичиш одоби



13:56 / 23.11.2025 890

أُوبَرِّشَتِ آلَ لَاقِ مَلَسَ وَهِيَ لَعْلَلِ لَاصِّ بِنِّ لَانَعُ، نَعْلَلِ يَضْرِبُ سَابِعَ نَبَانَعِ
مُتَبَرِّشُ مُتَنَّا إِذَا أَوْسَوِ ثَالِثُ وَنَتَمِ أُوْبَرِّشَانِ كَلَوِ، رِيْعَ بَلِّ بَرِّشَكَ إِحَاوِ
يَذْمُرُّ لَاهَاوَرِ. مُتَعَفَّرُ مُتَنَّا إِذَا أُوْدَمَّ حَاوِ

Ибн Аббос розияллоху анхудан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоху алайҳи васаллам:

«Туянинг ичишига ўхшаб, бир мартада ичманглар. Икки марта, уч мартада ичинглар. Қачон ичсангиз, тасмия айтинг. Қачон ичиб бўлсангиз, ҳамд айтинг», дедилар».

Термизий ривоят қилган.

Ичимлик ичадиган одам шошиллаб, яхшилаб ўтириб олиб, олдин «Бисмиллаҳ»ни айтиб, туяга ўхшаб, оғзининг борича тўлдириб олмай, оздан, бўлиб-бўлиб ичиши керак экан. Ичиб бўлгандан кейин эса Аллоҳ таолога шукр айтиши лозим экан.

هُلِّنْ لِأَقْوَمِمْ ضَمَمَ فَنَبَلَّ بِرَشَمَّ لَسَوَّهِ لَعْلَلْ لِيَصَّيْبَنَّ لَنَا نَعَوَّ
يُرَاحُّ لَهَا أَوْرَ أَمَّ سَدَّ

Яна ўша кишидан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам сут ичдилар ва оғизларини ундан чайқадилар ҳамда:

«Унинг ёғи бор», дедилар».

Бухорий ривоят қилган.

Ёғли нарса оғизда туриб қолса, зарар етказди. Демак, сут ва сутга ўхшаш ёғли нарсаларни ичгандан кейин оғизни яхшилаб чайқаш лозим экан.

نَعَمَ لَسَوَّهِ لَعْلَلْ لِيَصَّيْبَنَّ لَنَا نَعَوَّ لَأَقْوَمِمْ ضَمَمَ فَنَبَلَّ بِرَشَمَّ لَسَوَّهِ لَعْلَلْ لِيَصَّيْبَنَّ لَنَا نَعَوَّ
عَ عَ بَرَّ أَلْ هَا أَوْرَ عَ قِ سَ أَلْ ثَانَتْ خَا

Абу Саъийд розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам мешларнинг оғзидан ичишдан қайтардилар».

Тўртовлари ривоят қилганлар.

Ичимлик ичмоқчи бўлган одам ичимлик сақланадиган идишдан бошқа идишга – қадаҳга (пиёлага) қуйиб олиб, ичмоғи лозим. Ҳар ким умумий идишга оғзини қўйиб ичаверса, табиатга ҳам, одобга ҳам, тиббий кўрсатмаларга ҳам тўғри келмайди.

وَبِأَخْصَأْ نَمُّ لُجَرَوَّ مَّ لَسَوَّهِ لَعْلَلْ لِيَصَّيْبَنَّ لَنَا نَعَوَّ لَأَقْوَمِمْ ضَمَمَ فَنَبَلَّ بِرَشَمَّ لَسَوَّهِ لَعْلَلْ لِيَصَّيْبَنَّ لَنَا نَعَوَّ
وَدَهَاتَ أَمَّ كَذُنَّ نَاكَ نِ لَأَقْوَمِمْ ضَمَمَ فَنَبَلَّ بِرَشَمَّ لَسَوَّهِ لَعْلَلْ لِيَصَّيْبَنَّ لَنَا نَعَوَّ لَأَقْوَمِمْ ضَمَمَ فَنَبَلَّ بِرَشَمَّ لَسَوَّهِ لَعْلَلْ لِيَصَّيْبَنَّ لَنَا نَعَوَّ
دُوَادُ وَبَأْ هَا أَوْرَ نَشَّ يَفَّ تَابُ أَمَّ يَدُنَّ عَ، يَلَبَّ لَأَقْوَمِمْ ضَمَمَ فَنَبَلَّ بِرَشَمَّ لَسَوَّهِ لَعْلَلْ لِيَصَّيْبَنَّ لَنَا نَعَوَّ لَأَقْوَمِمْ ضَمَمَ فَنَبَلَّ بِرَشَمَّ لَسَوَّهِ لَعْلَلْ لِيَصَّيْبَنَّ لَنَا نَعَوَّ
نَجَادُ نَمَّ هَ لَعْلَلْ لِيَصَّيْبَنَّ لَنَا نَعَوَّ لَأَقْوَمِمْ ضَمَمَ فَنَبَلَّ بِرَشَمَّ لَسَوَّهِ لَعْلَلْ لِيَصَّيْبَنَّ لَنَا نَعَوَّ لَأَقْوَمِمْ ضَمَمَ فَنَبَلَّ بِرَشَمَّ لَسَوَّهِ لَعْلَلْ لِيَصَّيْبَنَّ لَنَا نَعَوَّ
هُبِحَ أَصَّ بِرَشَمَّ فَنَبَلَّ بِرَشَمَّ لَسَوَّهِ لَعْلَلْ لِيَصَّيْبَنَّ لَنَا نَعَوَّ لَأَقْوَمِمْ ضَمَمَ فَنَبَلَّ بِرَشَمَّ لَسَوَّهِ لَعْلَلْ لِيَصَّيْبَنَّ لَنَا نَعَوَّ

Жобир розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

Ушбу ҳадиси шарифдан олинадиган фойдалар:

1. Сутга сув аралаштириб ичиш мумкинлиги.

Албатта, бу ичувчига билдирилган ҳолда ва ушбу ривоятдагига ўхшаган ўтиришларда бўлса. Аммо ҳийла тариқасида сутга сув аралаштириб сотиш ҳаромдир.

2. Кўпчилик ўтирганда ичимликни аввало энг афзал, муҳтарам шахсга тутиш лозимлиги.

3. Ундан кейин ўша муҳтарам шахснинг ўнг томонидаги кишига навбат келиши.

4. Сўнгра ўнг томондан давом этиб кетавериши.

يَقِ اسَ لَاقَ مَّ لَسَوَ وَّ هِيَ لَعُ هَل لَ لَ لَ صَّ يَّ بَّ نَ لَ اَ نَ عَ ؛ هُنَّ عُ هَل لَ لَ اَ يَ ضَرَّ رَ دَاتَ قَ يَ بَّ اَ نَ عَ
مُ لَعُ اَ هَل لَ لَ اَ وَّ . هَحَّ حَ صَوَّ وَّ يَ ذِمَّ رَّتَ لَ اَ وَّ دَوَادَ وَّ بَّ اَ هَ اَ وَّ رَ . اَبُّ رُ شُ مَّ هُ خَ اَ مَّ وَّ قُ لَ اَ

Абу Қатода розияллоху анҳудан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоху алайҳи васаллам:

«Қавмнинг соқийси ичишда уларнинг охиргисидир», дедилар».

Абу Довуд ва Термизий ривоят қилганлар. Термизий саҳиҳ, деган. Аллоҳ билгувчироқдир.

Одоб бўйича, бир қавмга соқийлик қилиб, сув ва бошқа чанқовбосди ичимликлар тарқатиб турган кишининг ўзи охирида ичади. Олдин меҳмонларнинг хизматини қилиб, савобни тугал олиб, сўнгра бемалол ўзи ичса бўлаверади. Таом улашиш билан машғул бўладиган дастурхончи ҳам шундай қилади.

Уламо аҳли ичимликларни ичиш одоби ва унга боғлиқ барча далил ва ҳужжатларни синчиклаб ўрганиб чиққанларидан кейин жумладан, қуйидаги мулоҳазаларни айтганлар:

1. Ҳаромлигига далил қоим бўлмаган барча ичимликларни ичиш жоиздир.

2. Инсоннинг ўзи ёки баъзи аъзоси ҳалок бўлишининг олдини олиш ва вожиб амалларни адо этиш учун зарур бўлган ичимликни ичиш вожибдир.

3. Ҳожатини қондирадиган ва чанқоғини қондирадиган даражада ичиш мандубдир.
4. Ҳожатидан зиёда ичиш гоҳида макруҳ, гоҳида ҳаром бўлади.
5. Ичимлик ичишдан олдин «Бисмиллаҳ» айтилади.
6. Ўнг қўл билан ичилади.
7. Уч марта бўлиб-бўлиб нафас олиб, ичилади.
8. Идишнинг ичига нафас урилмайди.
9. Ўтирган ҳолда ичилади.
10. Сув симириб ичилади.
11. Ўта тўйиб кетадиган даражада ичилмайди.
12. Сувишнинг оғзидан ичилмайди.
13. Идишнинг учган жойидан ҳам ичилмайди.
14. Ичимликни ичиб бўлгандан кейин ҳамд айтилади.
15. Сувни ичиб бўлган одам бошқа кишига бермоқчи бўлса, ўнг тарафидаги одамга узатади.
16. Тилла ва кумуш идишларда таом еб, ичимлик ичиб бўлмайди.

«Ҳадис ва ҳаёт» китоби 16-жуз

Ўзбекистон Республикаси Дин ишлари бўйича қўмитанинг 2021 йил 17 июндаги 03-07/3903- рақамли хулосаси асосида тайёрланди.